

Муҳаммад Халил Соҳибзода ва унинг элчилик фаолияти¹

Давлатлар ўртасида дипломатик алоқаларни ўрнатишда ва самарали натижаларга эришишда элчиларнинг фаолияти муҳим ўрин тутган. Шунинг учун ўтмишда ҳар бир давлат дипломатик муносабатларни ўрнатишда иқтидорли, салоҳиятли савдогарлардан ёки дин уламоларидан элчи сифатида фойдаланилган.

Қўқон хонлигининг дипломатик алоқаларида нақшбандия-мужаддиия оқимининг бошчиси бўлган Имом Раббоний Ахмад ал-Сирҳиндий авлодаридан Муҳаммад Халил Соҳибзоданинг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Қўқон хонлиги тарихига доир манбаларда Соҳибзода Ҳазрат, Ҳазрати Соҳиб, Ҳазрати эшон Соҳибзода, Миён Халил Соҳибзода каби номлар билан қайд этилади. Аммо архив хужжатларидан маълум бўлишича бу зотнинг тўлиқ исми Муҳаммад Халил Соҳибзода² бўлиб кўпроқ аҳоли Миён Халил Соҳибзода ёки бу кишини авлодларини Миёнлар деб аташган.

Муҳаммад Халил Соҳибзода ҳазрат Қўқон хонлигига 1826 йилда Муҳаммад Алихоннинг таклифига кўра келади. Аммо манбаларда бу зотнинг қаердан келганлиги тўғрисида турлича маълумотлар келтирилади. Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шохрухи” асарида Бухородан келганлиги қайд этилса³, яна бир бошқа нусхасида эса Пешавордан келганлиги кўрсатилади⁴. Шунингдек, О.Жўрабоев томонидан Пўлотжон Қаюмийнинг “Қўқон тарихи ва унинг адабиёти” номли асаридаги маълумотлар асосида бу кишини Дехлидан келган деб ҳам кўрсатилади⁵. Имом Раббоний Ахмад ал-Сирҳиндийнинг Сирҳиндда туғилиб Дехлида яшаб ўтганлигини инобатга

¹ Ушбу мақола “Gerda Henkel Stiftung” фондининг “The role of religious ‘ulemas in diplomatic relations of Kokand khanate in the beginning of the 18th – middle of the 19th centuries” лойихаси доирасида амалга оширилган.

² ЎЗРМДА Ф. И-715. Оп.1. д.3.

³ Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Тарихи Шохрухий. РФА ШҚИ қўлёзма инв. С 468. 146 б варақ.

⁴ Бейсембиев Т. “Таърих-и Шахрухи” как исторический источник. Алма-Ата. 1987. С.105.

⁵ Жўрабоев О. Ирфон шеърятининг сулолавий намояндалари // Шарқ юлдузи. № 2.2009. Б. 165.

оладиган бўлсак, Муҳаммад Халил Соҳибзодани Дехлидан келганлиги ҳам тўғри бўлиши мумкин. Лекин бу масалага кейинги тадқиқотларда яна ҳам аниқлик киритишга умид қиламиз.

Муҳаммад Халил Соҳибзоданинг таржимаи холига доир маълумотлар жуда кам. Бу киши 1785 йилда таваллуд топиб 1869 йилда Қўқонда вафот этган. Ушбу шахс Қўқон хонлигида нақшбандия-мужаддиия тариқатининг пири муршиди бўлиб, нафақат Ўрта Осиёда балки Россия империясида ҳам кўплаб муридлари борлиги манбаларда акс этади⁶. Шунингдек, Муҳаммад Халил Соҳибзода Қўқон хонлигида нақиб⁷ унвонига ҳам эга бўлиб давлатнинг бошқарув тизимида алоҳида ўринни эгаллаган.

Қўқон ҳукмдорлари бошқа давлатдан диний уламоларни ёки тасаввуф етакчиларини ўз хузурларига таклиф этишининг қандай сабаблари бор эди ёки бу даврда хонликда тасаввуф етакчилари йўқмиди деган савол ҳам туғилади. Албатта бу ҳам алоҳида тадқиқотни талаб этсада, бу борадаги баъзи фикрларимизни ҳам билдириб ўтамиз.

Қўқон хонлигига Муҳаммад Халил Соҳибзода келгунга қадар ҳам Марказий Осиёга яхши маълум бўлган Хожа Ахрор ва Махдуми Аъзамнинг авлодари яшашган ва улар хонлик бошқарув тизимидаги диний лавозимларда фаолият юритишган. Хусусан, Махдуми Аъзамнинг сулоласига мансуб бўлган Ортиқхожанинг набираси Маъсумхон тўра⁸ ва Хожа Ҳидоятуллох (Офокхожа)нинг авлодларидан Жаҳонгирхон тўра хонликда яшашган. Лекин Қўқон хонлиги ҳукмдорлари Умархон ва Муҳаммад Алихон Офокхожанинг авлодларидан бўлган Жаҳонгирхон тўрани назорат қилишга ҳаракат қилганлар. Бунинг асосий сабаби сифатида шуни кўрсатиш мумкинки, Қўқон

⁶ Муҳаммад Юнусжон шиғовул. Тарихи Аликули амирлашкар. ЎзРФАШИ қўлёзма, инв. № 12136. 64 б варак.

⁷ Миён Халил Соҳибзоданинг нақиб унвонида эканлиги Россия императорига элчилиги тўғрисида ёзилган мактубда ўз аксини топган. Нақиб диний унвонлардан саналиб Қўқон хонлигида бу унвон Пайғамбаримиз Муҳаммад САВ авлодларига берилган. Манбалардаги маълумотларга кўра мазкур унвонни беришда айрим ҳолларда ёшга ҳам эътибор берилмаган. Жумладан “Мунтахаб ат-таворих” асари муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон тўрага 1818 йилда нақиб унвонининг берилиши, яъни ҳукмрон сулола вакиллари саййидларнинг ўзларига қариндошлик билан боғланганлиги учун ҳам ёшига ва мавқеига эътибор бермасдан бундай унвонни беришган.

⁸ Қўқон хони Умархон ҳукмдорлигида шайх ул-ислом лавозимида бўлган.

хонлиги Хитой билан ўз муносабатларини ёмонлашмаслигини ишташган. Қолаверса, буни эвазига Қўқон хонлиги учун Шарқий Туркистонда эркин савдо қилиш ва савдо божларини ўз фойдалари учун ундириш каби имтиёзлар айнан Офокхожа авлодаларини хонлик худудидан ташқарига чиқармаслик масъулияти эвазига берилган. Масаланинг бошқа томонига эътибор қаратадиган бўлсак, Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар (1800-1826) Имом Раббоний авлодидан бўлган Миён Аҳмад Соҳиб (Соҳибзода Калон)нинг муриди бўлган⁹. Маълумки, Қўқон хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасида муайян келишмовчиликлар юзага келиб турган. Қўқон хонлари ҳам Имом Раббоний авлодарига мурид бўлишлик билан бир қаторда уларни хонлик ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол жалб этиш орқали Бухоро амирлиги билан муносабатларини чигаллашмаслиги учун ҳам интиланган дейиш мумкин.

Муҳаммад Халил Соҳибзода Қўқон хонлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган шахслардан бири бўлиб, унинг элчилик фаолияти тўғрисида хонлик тарихига доир бир қатор манбаларда маълумотлар мавжуд. Бу зотнинг дастлабки элчилиги Россия империясига 1841йилнинг август ойида бошланади. Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1841) бежиз Муҳаммад Халил Соҳибзода ҳазратни элчи этиб тайинламаган. Биринчидан Муҳаммад Алихоннинг бу зотга ихлоси баланд бўлган. Иккинчидан эса бу даврда нафақат Қўқон хонлигида, балки Ўрта Осиё хонликлари ҳамда Россия империяси худудида яшаган аҳолининг мусулмон қатлами ва Усмонли турк давлатида ҳам нақшбандия мужаддиция етакчиси Имом Раббоний Аҳмад Сирҳиндий яхши маълум бўлган. Хусусан, тарихчи ва Қўқон хонлиги давлат бошқарувида масъул лавозимларда хизмат қилган Муҳаммад Юнусжон шиғовулнинг “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарида қайд этилишича, “...ул жанобни ўруссия тобеъида нўғай тоифаси ва бошқа тоифадин мурид ва

⁹ Муҳаммад Насриддин ал-Ханафи ал-Хасани ал-Бухари. Тухфат аз-заирин. Перевод, предисловие, комментарии – Х. Тураев / Французский институт исследований Центральной Азии. № 2. 2003. – С.17

мухлис ва ёр дўстлари кўп”¹⁰. Муҳаммад Халил Соҳибзоданинг Қўқон шахрига келганидан хабардор бўлган Бухоролик шайх халифа Хусайн қўқонлик муридларидан бўлган Азимхожа эшон ва Жалолиддин хожаларнинг Бухорода таҳсилни тамомлаб иршод олиб Қўқонга қайтаётганларида, уларга (Азимхожа эшон ва Жалолиддин хожа) одоб юзасидан шаҳарга кирмасликлари айтилади¹¹.

Албатта нима учун бу даврда ҳукмдорлар томонидан дин уламолари, тасаввуф етакчиларини элчи сифатида дипломатик алоқаларга жалб этилганлигини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўрта Осиё хонликларида, жумладан, Қўқон хонлигида ҳам бу вазифага жалб этиладиган номзодлар шиғовул томонидан кўрсатилган. Муҳаммад Юнусжон шиғовул “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарида 1864/65 йилда элчиликка номзодлар кўрсатишда қандай шахсларни танлаш борасида Алиқули амирлашкарга қуйидаги фикрни билдиради. “Одамзод ҳамма баробар эмас, балки зукколиги, ақлу ва ҳушу фаҳми ўткирлиги билан ажралиб туради” деб Муҳаммад Халил Соҳибзоданинг Муҳаммад Алихон томонидан 1841 йилда Петербургга элчи қилиб юборилганлиги ва ижобий натижаларга эришганлигига юқори баҳо беради¹². Албатта бу элчиликка қадар ҳам Россия империясига Қўқон хонлигидан 3 марта элчилар юборилган бўлиб, биринчиси Амир Умархон (1810-1822) даврида амалга оширилган. Бу элчилик ижобий натижалар бермаган бўлиб, элчиларнинг тақдири аянчли яқун топган эди. Иккинчи элчилик эса Муҳаммад Алихон томонидан

¹⁰ Муҳаммад Юнусжон шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар. ЎзРФАШИ қўлёзма, инв. № 12136. 64 б варақ.

¹¹ Азимхожа эшон ва Жалолиддин хожа Қўқон хонлигида машхур шайхлардан бўлишган. Айниқса Азимхожа эшоннинг хонлик ижтимоий сиёсий жараёнларидаги ўрни ҳақида манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Бу икки зот ирфоний шоирлар ҳам ҳисобланишади. Филология фанлари номзоди Отабек Жўрабоев томонидан бу зотлар ва уларнинг ижодига оид бир неча илмий мақолалар эълон қилинган. Шунингдек, Бухоролик шайх халифа Хусайн томонидан бу икки шахсга Миён Халил Соҳибзоданинг Қўқонга жойлашгани ва шу сабабдан уларни шаҳар ташқарисида истикомат қилишлари айтилгани тўғрисидаги маълумотни Пўлатжон Қаюмийнинг “Қўқон тарихи ва унинг адабиёти” номли асаридан олинади. Бу ҳақда қаранг: Жўрабоев О. Низомий Хўқандий ва ирфоний шеърят матни билан боғлиқ бир жиҳат хусусида. Б.13 17.; ўша муаллиф. Ирфон шеърятининг сулолавий намояндалари. Б.164 171.

¹² Муҳаммад Юнусжон шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар. ЎзРФАШИ қўлёзма, инв. № 12136. 64 б. 65 а варақлар.

Турсунхўжа судур бошчилигида юборилган ва самарали натижаларга эришилган. Аммо, 1831 йилда юборилган элчиларга Россия империяси худудида Петербургга боришга рухсат берилмасдан Тобольскда бир неча ой ушлаб турилгандан сўнг Қўқонга қайтариб юборилган. Қўқон хонлиги тарихига доир манбаларда Муҳаммад Халил Соҳибзода бошчилигидаги дипломатик миссия ва унинг натижалари эса яхши таърифланади. Хусусан, “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарида “...ўзлари ниҳоят даражада оқил ва хушманд учун низом биладурғон ёр дўст машварати бирла муваффақ қоида иш қилиб ниҳоят иззат ва обрў бирлан ёнғон эрдилар”¹³ деб эътироф этилади.

Қўқон хонлиги тарихига доир асарларда Муҳаммад Халил Соҳибзоданинг қандай мақсадда элчи қилиб юборилганлиги ҳақида маълумотлар аниқ баён қилинмаган. Лекин, Россия императорига ёзилган мактубда мазкур дипломатик миссиядан кўзланган мақсад аниқ баён этилган. Муҳаммад Халил Соҳибзода томонидан олиб борилган дипломатик миссияда асосан савдо масалаларини ривожлантириш ва уни хавфсиз бўлишлигини таъминлаш мақсади бўлган. Шунингдек, Муҳаммад Алихон томонидан ёзилган ушбу мактубда Россия империяси билан дўстона муносабатда бўлишлик масаласи ҳам қайд этилган. Мазкур мактубнинг нусхаси, яъни, форс тилидан рус тилига таржимаси Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондида сақланади¹⁴. Ушбу нусхадаги қайдларга кўра мактубнинг асл нусхаси бугунги кунда АВПРИ¹⁵ Санкт Петербург бўлимида сақланади.

Муҳаммад Юнусжон шиғовулнинг асарида Муҳаммад Халил Соҳибзоданинг элчилик фаолияти ва унинг Россия императори Николай I (1825-1855) ҳузуридаги қабул маросими ва бу шахсга император томонидан юксак даражада ҳурмат эҳтиром кўрсатилганлиги хусусида маълумотлар қайд этилади. Асарда қайд этилишича Эрон, Хива ва бошқа давлатлардан

¹³ Муҳаммад Юнусжон шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар. ЎзРФАШИ қўлёзма, инв. № 12136. 65 а варак

¹⁴ ЎзРМДА И-715. Оп.1. д.3. лл.165 167.

¹⁵ Архив Внешней Политики Российской империи

келган элчиларга нисабатан Муҳаммад Халил Соҳибзодага алоҳида эҳтиром кўрсатилган¹⁶. Бу зотга бундай хурмат кўрсатилишининг асосий сабабларидан бири сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Россия империяси ҳудудида яшайдиган мусулмонлар орасида мурид ва мухлисларининг кўплиги ва улар томонидан бу зотнинг алоҳида эътибор билан қарши олинишини кўрсатиш мумкин. Яъни, Россия империяси фуқаролари томонидан бу шахсга нисбатан бундай муносабат бўлганлиги ҳақида Россия императори Николай I га барча маълумотлар етказилган.

Шунингдек, Муҳаммад Халил Соҳибзодани Петербургда эътиборга лойиқ бўлган жойлар билан таништирлади. Хусусан, технология институти, зарбхона, кутубхона, ботаника боғи, чинни ва ойна заводи, Осиё музейи ва бошқа жойлар. Албатта бу Қўқон хонлигининг Россия империяси билан бўлган дипломатик алоқаларида бунга қадар ҳам бундан кейинги элчиликларда ҳам бу каби муносабат бўлмаган. Кейинги даврларда (Худоёрхон ҳукмронлигида) олиб борилган дипломатик алоқалар Қўқон хонлиги учун деярли самарасиз бўлиб, ижобий натижани кутиш ҳам мумкин эмас эди. Чунки бу даврда Россия империяси Қўқон хонлиги ҳудудини бирин кетин босиб олишга ҳаракат қилаётганлиги боис ҳам бу икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар хонлик учун ҳеч қандай самара бермаслиги аниқ эди.

Муҳаммад Халил Соҳибзодани Қўқон хонлиги ҳукмдор доира вакиллари томонидан нафақат хонликнинг ташқи алоқаларида балки, ички ижтимоий сиёсий жараёнларида ҳам элчи сифатида жалб этишган ёки бу зот зиммасига бундай вазифани юклашган. Хусусан, Худоёрхоннинг биринчи ҳукмронлигида Мусулмонқули томонидан Тошкент ҳокими Саримсоқхонни Қўқонга келиши учун Муҳаммад Халил Соҳибзода элчи қилиб юборилган. Мусулмонқули Саримсоқхонни Худоёрхонга муҳолиф деб билади. Шунинг учун хийла билан Саримсоқхонга зиён етказмаслик тўғрисида Соҳибзода

¹⁶ Муҳаммад Юнусжон шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар. ЎзРФАШИ қўлёзма, инв. № 12136. 16 б варақ.

хазратга кўп ваъдалар бериб элчи қилиб юборсада, аммо Муслмонқули ваъдасида турмайди. Саримсоқхон Қўқонга келгандан сўнг суюиқасд уюштиради. Муслмонқулининг бундай иш тутганлигидан ранжиб ҳаж баҳонасида хонликдан маълум муддатга кетишга қарор қилади.

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш мумкинки, Муҳаммад Халил Соҳибзода Қўқон хонлигининг ички ва ташқи сиёсатида алоҳида рол ўйнаган шахс бўлиб, бир қатор масъулиятли вазифаларга жалб этилган ва бу вазифаларни ижобий натижалар билан бажарган. Бундан ташқари масжид, мадрасалар барпо этиб, хонлиқнинг маданий ва маънавий ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирган.

Махмудов Ш. Муҳаммад Халил Соҳибзода ва унинг элчилик фаолияти // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2/2011. В.137-139.